



КОРЕЙС АДАБИЁТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ирода Санъат қизи Тоҳирова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7830604>

ARTICLE INFO

Received: 06th April 2023

Accepted: 13th April 2023

Online: 15th April 2023

KEY WORDS

Корейс адабиёти, босқич, давр, адабиёти тарихи, Конфуцийлик, буддавийлик, шеърият, насрий жанр, роман.

ABSTRACT

Бу илмий мақолада корейс адабиётининг ривожланиш тарихи ва босқичлари борасида сўз боради. Корейс адабиёти ривожланиш тарихи учта йирик даврни - Учта давлат ва Силла даври(X асргача); 2. Корё (X-XIV асрлар); 3. Чосон (Ли) (XIV –XX аср бошлари)ни ўз ичига олади.

Милоддан аввалги асрлардан милодий X аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олган илк адабиёт даври дастлабки босқич ҳисобланиб, бизнинг давргача баъзи асарларнинг номлари ҳамда баъзи парчаларигина етиб келган. Бу илк давр тарихий насрнинг ривожланиши билан характерлидир.

Корё адабиёти даври (918-1392) Иккинчи босқич ҳисобланиб, бунинг ўзи ҳам икки даврни ўз ичига олади. Биринчи давр X аср ўрталари – XII асрда конфуцийлик таълимоти етакчилик қилган, давлатчилик мустаҳкамланган давр бўлиб, унда Хитой тарихий насри адабий ёдгорликлари яратилган. Иккинчи даври эса, XII-XIV асрларни ўз ичига олиб, унда корейс адабиётида айрим шахслар тасвир объектлари сифатида ажрала бошлаган. Бу давр давлатчиликнинг заифлашиш даври ҳисобланиб, унда бир неча шеърий ҳамда насрий жанрлар пайдо бўлиб, Корея учун кичик шаклдаги насрнинг янги тури – рхесол' (олди-қочди ҳикоялар жанри) юзага келган.

Чосон (Ли) адабиёти даври (1392-1910) учинчи босқич сифатида эътироф этилади, бу босқичнинг ўзи ҳам уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр XV-XVI асрлар, иккинчи давр XVII-XVIII асрлар, учинчи давр XIX аср.



КИРИШ (INTRODUCTION)

Ҳозирги кунда дунёда кўпгина тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бунга сабаб мамлакатимизда жаҳон билан ҳар ҳил соҳаларда алоқаларининг тобора ривожланиб бориши билан боғлиқ, албатта. Ўша хорижий тилни ўрганиш билан бир қаторда, ўрганилаётган мамлакат тарихи ва адабиёти бўйича изланиш олиб боришга эътибор қаратилмоқда. Шундай қизиқиш маҳсули бўлган ушбу мақола, корейс адабиётининг ривожланиш босқичлари бўйича изланишга қаратилган.

Ҳамма халқлар адабиётида бўлгани каби, корейс адабиётида ҳам ўзининг адабий услуби ва миллий характерини акс эттирувчи асарлари ҳам мавжуд. Унинг ривожланиш тарихига назар ташласак, у ривожланиш босқичлари оддий бўлмаган, лекин қизиқарли ҳолатларни акс эттиради.

Корейс адабиёти тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. У биринчи минг йиллик бошларида пайдо бўлган. Агар ўйлаб қаралса, бу Корейс яриморолида конфуцийлик таълимоти асосида давлат қуриш даврига тўғри келади. Адабиёт нуқтаи назаридан конфуцийлик йўналиши ҳар қандай шахснинг давлат манфаатларига қарамлиги билан боғлиқлигига гувоҳ бўлинган.

Кореяга милоднинг дастлабки йилларида буддизмнинг кириб келиши, адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Корейс адабиётида буддавийлик таълимоти шахснинг жамиятга нисбатан маълум даражада эркинлиги, ҳақиқат учун курашни назарда тутарди.

Албатта бир маданиятдаги конфуцийлик ва буддавийлик таълимотидаги икки қараш корейс адабиётида ўзига хос ифодаланган.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ:

Илмий мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, адабий холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Корейс адабиётининг ривожланиш босқичлари бўйича Европа ва рус шарқшунослари қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бу давр ижтимоий-сиёсий, маданий, адабиётга оид кўплаб илмий мақолалар ёзилган, қисқа видео материаллари ҳаттоки, кинофильмлар ҳам тайёрланган. Илмий тадқиқотлардан Корейс адабиётининг босқичлари бўйича қатор тадқиқотлар олиб борган ҳамда 16 томлик “Библиотеки всемирной литературы” китобининг бир катта бўлимини ёзган шунингдек, корейс адабиёти бўйича ҳам изланишлар олиб борган М.И.Никитина¹, Чосон даври адабиёти бўйича И.В.Корнеева², замонавий адабиёт даври бўйича тадқиқотлар олиб борган А.Ф.Троцевич³, Кореянинг илк даврдан замонавий давргача тарихини ёритган С.О.Курбанов⁴, Корея маданияти бўйича изланиш олиб борган

¹ Библиотека всемирной литературы. Том XVI. Классическая поэзия Индии, Китая, Кореи, Вьетнама, Японии//Москва:Художественная Литература – 1977 – 944с.; Никитина М. И. Древняя Корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом // М: Изд-во “Наука” – 1982. – 328с; Корейская поэзия XVI-XIX вв. в жанре сиджо: (Семантическая структура жанра. Образ. Пространство. Время). – СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1994. 312 с.

² Корнеева И. В. Представления об образовании и учености в корейской литературе периода Чосон: 1392-1910. Автореф. дис. ...кан. фил. наук. – М.,2009

³ Троцевич А. Ф. История Корейской традиционной литературы (до XX в.) // СПб: Изд-во С.-Петерб. ун-та – 2004.-323с

⁴Курбанов С.О. История Кореи с Древности до начала XXI в. [Электронный ресурс].



Л.А.Андропова⁵, хорижий тадқиқотчилардан Ким Дэ Хэн⁶, Корейс адабиёти тарихи бўйича изланишлар олиб борган Питер Ли⁷, икки муаллиф Инсап Тейлор ҳамда М.Мартин ҳамкорлигида ёзилган “Хитой, корейс ва япон тилларидаги ёзув ва грамматика” номли китоби⁸, замонавий ўзбек шарқшуносларидан В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пакларни қатор китоблари⁹да акс этган. Шунга қарамай, корейс адабиётининг уч босқичи бўйича изланишлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

МУҲОКАМА

Кореяга миллоддан аввалги II – I асрларда иеографик ёзув кириб кела бошлади ҳамда миллоднинг бошларида ушбу ёзувни ўзлаштириш натижасида корейс халқининг Узоқ Шарқ маданий меросини ўрганиш ва корейс адабиётини иеографик ёзувда ифодалаш имконини берди.

Корейс адабиёти ўзининг вужудга келиш даврида айниқса фольклорга фаол мурожаат этди. Эпик ижод, масалан, тарихий асарларда давлат идеали муносабати билан ўзлаштирилади ҳамда Будда таржимаи ҳолидан руҳланади ва ўша даврнинг йирик шоирлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. Мифлар, ривоятлар, шаманларнинг афсоналаридан буддавий муаллифларнинг асарларида фойдаланилади, чунки маҳаллий фольклорга қизиқиш буддизм анъаналарига мувофиқ келади¹⁰. Корейс маданиятини ўрганиш натижасида шуни айтиш мумкинки, ёзув матннинг қиймати, оғзаки матннинг қийматига қараганда кўп бўлган. Чунки ўша давр муаллифлари қарашича, ҳамма воқеъликда бўлган ҳодисалар ҳам, ҳикоялар ҳам ёзувда берилмаган. Бунинг сабаби муаллиф ўзи келтираётган маълумотларни аниқ далиллай олиши лозим бўлган.

Конфуцийлик ва буддавийлик таълимотларининг Корея яриморлига кириб келиши корейс адабиёти шаклланишига жуда катта таъсир ўтказди. Бу таъсир асарларнинг мавзулари, сюжетларини берилишидаги поэтик кўринишида намоён бўлган.

Бу яриморолларда яшаган қадим замонлардаги қабилаларнинг оғзаки ижоди конфуцийлик ва буддизм тамойиллари унсурларини уйғунликда ўша давр корейс адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланишига асос бўлган.

Корейс адабиётининг ривожланиш босқичларини ўрганиш учун энг аввало адабиёт тарихини даврларга бўлиш керак. Корейс адабиётшунослигида бу даврлар ярим оролда илк давлатлар пайдо бўлишидаги давр, сўнгра сулолалар ҳукмронлиги билан боғлиқ. Шунга кўра, корейс адабиётига доир изланишлар олиб бораётган

⁵ Андропова Л.А. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета.2014

⁶ Ким ДэХэн. Классические поэтические песни Кореи // Сеул: Изд-во женского университета Ихва – 2009.-141с.

⁷ Peter. H. Lee. A History of Korean Literature//Cambridge: Изд-во Cambridge University Press – 2003 – 580с

⁸ Insup Taylor, Martin M. Taylor. Writing and Literacy in Chinese, Korean and Japanese//Amsterdam: Изд -во John Benjamins Publishing Company – 1995 – 413с

⁹ В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – 192 б., Ким В.Н., Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009.

¹⁰ В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 18



тадқиқотчилар учта йирик даврни ажратиб кўрсатадилар: 1. Учта давлат ва Силла даври (X асргача); 2. Корё (X-XIV асрлар); 3. Чосон (Ли) (XIV –XX аср бошлари).

Биринчи босқич милoddан аввалги асрлардан милodий X аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олган илк адабиёт даври. Унда бизнинг давргача баъзи асарларнинг номлари ҳамда баъзи парчаларигина етиб келган. Ҳозирги кунда бизгача етиб келган материалларга асосланиб, илк давр тарихий насрнинг ривожланиши билан характерлидир.

Иккинчи босқич эса, Корё адабиёти даври (918-1392) ҳисобланиб, бунинг ўзи ҳам икки даврни ўз ичига олади. Биринчи давр X аср ўрталари – XII асрда конфуцийлик таълимоти етакчилик қилган, давлатчилик мустаҳкамланган давр бўлиб, унда Хитой тарихий насри адабий ёдгорликлари яратилган. Иккинчи даври эса, XII-XIV асрларни ўз ичига олиб, унда корейс адабиётида айрим шахслар тасвир объектлари сифатида ажрала бошлаган. Бу давр давлатчиликнинг заифлашиш даври ҳисобланиб, унда бир неча шеърий ҳамда насрий жанрлар пайдо бўлиб, Корея учун кичик шаклдаги насрнинг янги тури – рхесол' (олди-қочди ҳикоялар жанри) юзага келган.

Учинчи босқич эса Чосон (Ли) адабиёти даври (1392-1910) ҳисобланиб, бу ҳам уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр XV-XVI асрлар, иккинчи давр XVII-XVIII асрлар, учинчи давр XIX аср.

Рус шарқшунос-корейсшунос адабий танқичилиги вакиллари бу анъанавий даврлаштиришга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган. 1960-йилларда ушбу мавзу бўйича мунозара бошланди, аммо бу ҳақиқий натижаларга олиб келмади. “Жаҳон адабиёти тарихи”нинг академик наشريда ҳам (1983-1989) Кореяга бағишланган боблар мавжуд бўлиб, барча адабиётлар асрларга бўлинган.

Бироқ, Узоқ Шарқ маданияти бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилар корейс адабиётини беришда сулолалар бўйича даврлаштириш тарафдорларидир.

Ҳақиқатда Кореяда янги сулола вакилининг тахт тепасига келиши доимо нотинчликлар ва мамлакат маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар даври билан боғлиқ бўлган. Адабиёт, албатта, бу ўзгаришларга мос равишда яшади, баъзан эса уларни олдиндан кўра билди: ҳар бир давр ўзига хос устувор мавзуларни илгари сурди, адабиёт тарихида турли тур ва жанрларга мойиллик билан ажралиб турди. Масалан, Корё сулоласи тарихий ёзувлари ва хитой тилидаги шеърлари билан, Ли эса шеърият ва насрнинг миллий жанрларини ривожлантириш билан машхур бўлган. Шунинг учун бу ерда Кореяда қабул қилинган адабиёт тарихини анъанавий даврлаштириш асос сифатида таклиф этилган.

Бу даврларда ёзувчилар ижодиётига оид очерклар ва алоҳида асарларнинг хусусиятлари хронологик тартибда жойлаштирилган, улар асарларнинг корейс ёки хитой тилида ёзилганлигига қараб тилга кўра, сўнгра эса турлари ва жанрлари бўйича тақсимланган.

Корейс адабиёти Узоқ Шарқ маданий мажмуасининг бир қисми бўлиб, бу унинг кўпгина хусусиятларини - биринчи навбатда ёзув ва тилни кўрсатиб берган. Эрамининг биринчи асрларидаёқ хитой иероглиф ёзуви ва тили корейслар томонидан ўзлаштирилган бўлиб, улар фонетик тизими ва тузилиши жиҳатидан корейс тилидан бутунлай фарқ қилган. Хитой иероглиф ёзуви билан бир қаторда унинг товуши



тизими ҳам кириб келди ҳамда корейс тилининг фонетик тизимига мос равишда ўзгартирилди. XIX аср охиригача корейс насри ва шеърияти хитой тилида ёзилган¹¹.

Дастлабки даврга эътибор қилинса, халқ оғзаки ижоди узоқ вақт мобайнида оғзаки шаклдагина бўлган. Асрлар давомида услуб ва сюжетлар такомиллашиб бориб, фольклорга оид материаллар табиий танланиш жараёнидан ўтган.

Корея тарихининг дастлабки даври ҳисобланган милoddан аввалги 57 - 935 йилларни ўз ичига олган Силла, милoddан аввалги 37-668 йилларда фаолият олиб борган Когурё ҳамда милoddан аввалги 18-милoddий 660 ҳукмронлик қилган Пэкче қироллигидан бошланади. Уч қироллик даври - милoddан аввалги 57 йилдан милoddий 668 йилгача Корея ярим оролида Силла, Когурё ва Пэкче ҳукмронлик қилган давр сифатида эътироф этилади. Бу даврларда хитой тили расмий адабий тил эди. Шунингдек, конфуцийлик ва буддизмнинг қабул қилиниши муносабати билан адабиётда сезиларли ўтиш режалаштирилган эди.

“Юги” (“Бизгача етиб келган ёзувлар”), “Шинжип” (“Янги тўплам”), “Соги” (“Хужжатли ёзувлар”), “Кукса” (“Халқ тарихи”) каби китоблар, тарихий ёзувлар тўплами хитой тилида ёзилган. Албатта бундан мақсад улар орқали бу қиролликларнинг сиёсий тузилишини мустаҳкамлашга уринишдан далолат беради.

Корейс ярим оролида Самгук ҳукмронлиги даврига боғлиқ бўлган биринчи эпиграфик ёдгорликлар: тошда (би), ғиштларда, ҳайкалторошлик асарлари ҳамда тош плиталарда сақланиб қолган. Бу каби турли туман қадимий битиклар уч давлат ҳукмронлигининг давлат, диний ва ижтимоий ҳаётида ёзувнинг ўрни катта бўлганини билдиради. Маълумки, 10 дан ортиқ би ёки уларнинг катта фрагментларида энг машҳур ва энг қадимийси бўлган ёдгорлик Квангэтхо-ван бўлиб, унинг бўйи 6,34 метрдан ташкил топган ва 1800 га яқин иероглифик белгиларга эгадир¹².

Корейс афсоналарини етказишда эртаклар билан қўшилган ҳолда олиб борилганлиги сабабли ҳаттоки афсона қаерида тугаб, қаеридан эртақ бошланганлигини ҳам ажратиш мушкул бўлиб қолган.

“Ханмун” насри корейс адабиётининг энг қадимий насрий асар турларидан саналади. Бу даврнинг тарихий баёни бунга исбот бўла олади. XII аср тарихчиси бўлган Ким Бусикнинг фикрига кўра, 545 йил Силлада “Подшоҳлик тарихи”, 372 йилда Пэкчеда “Хужжатли битиклар”, 372 йилда Когурёда “Ўтган йиллар битиклари” ёзилган, лекин бу асарлар бизгача етиб келмаган.

Бу даврда “Ханмун” шеърият усули билан бирга корейс тилидаги “иду” усулидаги шеърият ҳам бўлган. Албатта, корейс шеърияти халқ оғзаки ижоди бўлган қўшиқ ва лапарлар асосида шаклланган.

Кореяга хитой ёзув билан бир қаторда унинг шеърияти ва насрининг жанрлари ҳам кириб келган. Жанрларнинг ўз номлари ва белгилари бор эди. Шеъриятда, масалан, (хитойча: чольгу цзюэцзюй), юлси (хитойча: луйши), (акпу хитойча юэфу), насрда - чон (хитойча: чжуань), ки (хитойча цзи, соль (хитойча шо), нок (хитойча: лу).

¹¹ Ким В.Н., Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009.

¹² Л.А.Андропова. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета. 2014 – С. 113-114



Жанрларнинг номларини ўзбек ва рус тилларига қиёмига етказиб таржима қилиш қийин, чунки номга киритилган иероглифларнинг тўғридан-тўғри таржимаси ушбу жанрнинг хусусиятлари ҳақида тасаввур бермайди. (масалан, “чолгу” шеърий жанри сўзма-сўз “бузилган байтлар” деб таржима қилинса, “акпу” – “музикий палата”) сифатида ўгирилади. Бу атамалар иллюстратив тарзда бу жанрларни қандай эканини тушунтиришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда хитой шеърияти бўйича кўплаб таржималар ва тадқиқотлар нашр этилган, шунинг учун барча керакли маълумотларни ушбу махсус асарлардан қараб, оидинлаштириш мумкин¹³.

Ван Гон 918 йилда учта ўзаро урушаётган подшоҳликларни бирлаштирди ҳамда Корё давлати сулоласига асос солган. Унинг бошқаруви 1392 йилгача давом этиб, бунда конфуцийлик таълимоти асосида шаклланган. Бунда 1170 йилдаги сарой тўнтаришлари, 1231-1232 йиллардаги мўғуллар истеълоси натижасида сиёсий вазиятларнинг корейс адабиётига ҳам таъсири сезилиб, 1145 йилда конфуцийлик руҳида ёзилган Ким Бусикнинг “Самгук Саги”-“Уч давлат тарихий ёзувлари” номли тарихий асари ёзилиб, янги “яса” ва “пхесол” норасмий тарихий жанрлари яратилган.

Конфуций таълимотининг тарқалиши ва расмий лавозимга кўтарилишлари учун Корёнинг зиёли вакиллари давлат имтиҳонида “ханмун”- (хитой - вэньян), яъни қадимги хитой тилини яхши билишлари керак эди, шу сабабли ҳам зиёлилар ва зиё улашувчилар орасида Хитой адабиёти кенг шуҳрат қозонган. “Ханмун” расмий ҳужжатлар ва иш ёзишмалар, илмий ва ижодий ишлар учун мўлжалланган давлат ёзма тилига айланди. “Ханмун” билиш Корё феодал элитасининг барча вакиллари учун мажбурий тус берилди¹⁴. Бу вақтга келиб ҳам конфуцийлик, ҳам буддавийлик тамойиллари билан йўғрилган тарихий асарлар юзага келди.

Бироқ XX асрда Кореядаги етакчи буддист патриахти Хёк Нёнчхон томонидан 1075 йилда тузилган “Кюнённинг ҳаётида кўрганлари” топилган. Бу асар ягона эмас эди. Какхун томонидан “Шарқдан денгизгача бўлган мамлкатлар энг юқори даражадаги роҳибларининг ҳаёти” (Хэдон ҳаёти) тўплами 1215 йилда ёзилган. “Хэдон ҳаёти” асари нафақат буддизм дини ёдгорлиги бўлмай, ундаги хусусиятларида ҳам, материалларни танлашда ҳам давлат ва миллий ғояларнинг устувор йўналишларини кузатиш мумкин. “Яса” ўзида тарихий асарларни норасмий равишда баён қилиш услуби ҳисобланиб, XII-XIV асрларда тарихий шеърият турига айланган ҳамда одатда хусусий шахслар томонидан ёзилган. Бу турдаги энг муҳим ёдгорликлардан яна бири Ким Ирён (1206-1289) нинг “Самгук Юса” – “Уч давлат давридан қолган воқеалар” китоби ҳамдир.

Ёмон бошқарувли ҳукумат ва очкўз амалдорларни танқид қилган шоирлар кўпинча замонавий жамиятни маълум бир “олтин аср”га қарама-қарши қўярдилар, ўшанда Корея давлатларининг асосчиларидан бўлган биринчи ҳукмдорлар давлат ишларини қадимги даврда бошқарган одамлар илгари сурган “ҳокимият тамойиллари”га мувофиқ оқилона юритганлар, шунинг учун ҳеч қандай муаммо йўқ эди, амалдорлар ўз вазифаларини керакли даражада бажарганлар, одамлар ишлаб,

¹³ Ким В.Н., Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009. https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=332

¹⁴ Тамже. https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=332



фаровонликка эришган. Адабиётдаги ахлоқий ва сиёсий идеални излаш, ҳар қандай ўрта асрлар жамиятида бўлгани каби, ўтмишга бурилиб, шеъриятда халқ ҳаётини тасвирлашга олиб келди, чунки халқнинг қашшоқлашуви яхши бўлмаган бошқарув ҳукумат бошқарувининг оқибати сифатида қабул қилинган¹⁵.

Кўпчилик зиёли қатлам вакиллари кучли давлатчилик билан боғлиқ бўлган конфуцийлик ғояларидан аста-секин кўнгли қолиб, буддизм ва даосизм нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаши натижасида, давлат хизматидан “табиат бағри”га кетиш, бундай жамиятдан қочишни маъқул кўрганлар. Шундай қилиб, даосизм йўналишидаги корейс шеъриятининг гуллаб-яшнаши учун замин шаклланди¹⁶. Шунинг натижасида янги корейс поэтик йўналиши “Бамбукзорлар адабиёти” юзага келган. Корейда XIII асрда бундай бир нечта шеърий уюшмалар пайдо бўлиб, улардан энг машҳури корейс шеъриятида муҳим роль ўйнаган “денгиздан шарқдаги мамлакатдан етти донишманд” ҳисобланиб, унинг таркибига Лим Чхун, О Докчон, Хван Бохван, Чо Тхон, Ли Дамжи, Хам Сун ҳамда Корейда ушбу оқимнинг энг йирик шоири сифатида танилган Ли Иннолар кирган. XII-XIV асрдан бошлаб жамиятнинг диққат-эътибори нафақат ханмун шеърияти, балки корейс тилидаги миллий шеъриятга ҳам қаратилган.

Корё сулоласи ҳукмронлигининг охирида халқ орасида бўлган халқ оғзаки ижодидан афсоналар, қўшиқларни йиғиш, хитой тилига таржима қилиш ёки ёзиб олиш ҳаракати ривожланди. Корейс халқ амалий санъати Хитой намуналари бўйича ёзилган асарларга қарши эмас эди. Аксинча, ўша давр ёзувчилари миллий ижод маҳсуллари хитой маданияти томонидан яратган асарладан кам эмаслигини кўрсатишга интиланлар. Бу даврда, айниқса сулоланинг сўнгги икки асрида корейс маданияти учун икки цивилизация эквивалент ғоя тарзи муҳим бўлган.

XIV аср охирида Сарой тўнтариши натижасида мамлакатда Ли сулоласи (1392-1910) ташкил топди. Ли Сонг сулоласининг асосчиси Қадимги Чосон хотирасига ўз давлатини “Чосон” деб атаб, Сеул шаҳрини пойтахтга айлантирди. Ли ва унинг ворислари Корейда марказлашган давлатни тиклаш чораларини кўрдилар.

Корё тарихида XV аср миллий маданиятининг энг юқори гуллаш даври ҳисобланади. Бу даврда астрономия, география ва табиатшунослик энг ривожланган эди. Эрта Чосон (XV-XVI асрлари) - турли билим соҳаларида буюк ихтиролар ва кашфиётлар даври бўлди¹⁷.

1403 йилда босмахона учун дунёда биринчи бўлиб, териш металл тури ихтиро қилинган бўлса, 1443 йилда корейс миллий ёзуви кашф этилди. Ушбу XV асрда яратилган икки кашфиёт алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Янги яратилган ёзувдан ҳукмрон синф вакиллари классик конфуцийлик таълимоти ҳамда буддавийлик таълимоти асосида ёзилган диний адабиётда ҳам корейс тилига таржима қилишда фойдаланишган. Бироқ ушбу алифбо яратилганига кўп вақт бўлмай, ундан мавжуд тузумга қарши бўлганлар ҳам қўллаганлар. Яна бу

¹⁵ Никитина М. И., Троцевич А. Ф. Корейская литература [до XIII в.] // История всемирной литературы: В 8 томах / АН СССР; Ин-т мировой лит. им. А. М. Горького. — М.: Наука, 1983—1994. — На титл. л. изд.: История всемирной литературы: в 9 т. — С.152

¹⁶ В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. — Т.: ТошДШИ нашриёти, 2010. — Б.

67

¹⁷ Кё-юкса, 1998, с. 318



асринг ютуқларидан бири ноконфуцийлик мафкуриси - “Чжуси” йўналиши кенг тарқалган.

XV-XVI асрларда корейс тилидаги шеъриятнинг янги жанрлари – “сичжо”, “каса”, “чан-сичжо” вужудга келди. Албатта бунга корейс ёзувининг шаклланиши имкон берди¹⁸.

XVII-XVIII асрларга келиб Кореяда янги мафкуравий тузум асосчилари ва фан намоёндалари вакиллари зодагонлар синфлигига мансублигига қарамай, улар халқ манфаати ва энг аввало деҳқонлар манфаатига хизмат қилдилар. Шу сабабли “реал фанлар учун ҳаракат” – “Сирхак” янги йўналиши пайдо бўлди¹⁹.

Реализм унсурлари “Сичжо” ва “Каса” шаклларида ёзилган шеърий асарларида намоён бўла бошлади. Реалистик унсурларнинг фаол ривожланиши насрий асарларда ҳам (айниқса “Сосол” жанрида ва реал фанлар мактаби тарафдорларининг асарларида) кузатилади.

Мазкур даврда секин аста романчилик ҳам ривожланган бўлиб, Ким Сохен(1769-1859)нинг “Самхан сибуи” – “Уч Хан тарихига қўшимча” ҳамда 1863 йилда Со Юё томонидан ёзилган “Югмидан Ки” – “Югмидан ҳикоялари” каби икки катта роман дунё юзини кўрган. Булардаги воқеа ҳодисалар илк корейс адабиёти даври бўлмиш Уч подшоҳлик даври Силла подшоҳлигида рўй берган.

ХУЛОСАЛАР

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Илк адабиёт даври биринчи босқич сифатида эътироф этилиб, у милoddан аввалги асрлардан милodium X аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олган ҳамда унда илк давр корейс адабиётида тарихий наср ривожланган.

Корё адабиёти даври иккинчи босқич ҳисобланиб, унинг биринчи даврида конфуцийлик таълимоти етакчилик қилган, давлатчилик мустаҳкамланган ҳамда унда Хитой тарихий насри адабий ёдгорликлари яратилган.

Иккинчи босқичнинг иккинчи даврида эса, унда корейс адабиётида айрим шахслар тасвир объектлари сифатида ажрала бошлаган ҳамда корейс адабиётида кичик шаклдаги насрнинг янги тури – олди-қочди ҳикоялар жанри рхesol’ юзага келган.

Учинчи босқич Чосон (Ли) адабиёти уч даврни ўз ичига олади. Унинг биринчи даври XV-XVI асрларда корейс тилидаги шеъриятнинг янги жанрлари – “сичжо”, “каса”, “чан-сичжо” вужудга келиши натижасида корейс ёзувининг шаклланишига имкон берди.

Иккинчи даври XVII-XVIII асрларда эса, “реал фанлар учун ҳаракат” – “Сирхак” янги йўналиши пайдо бўлиб, секин аста романчилик ҳам ривожланган

References:

1. Андрoнова Л.А. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета.2014 – С. 113-114

¹⁸ В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 82

¹⁹ Ўша китоб. Б. -116



2. Insup Taylor, Martin M. Taylor. Writing and Literacy in Chinese, Korean and Japanese // Amsterdam: Изд-во John Benjamins Publishing Company – 1995 – 413с
3. Ким В.Н., Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009.
4. В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2010. – 192 б.
5. Ким ДэХэн. Классические поэтические песни Кореи // Сеул: Изд-во женского университета Ихва – 2009.-141с.
6. Корнеева И. В. Представления об образовании и учености в корейской литературе периода Чосон: 1392-1910. Автореф. дис. ...кан. фил. наук. – М., 2009
7. Курбанов С.О. История Кореи с Древности до начала XXI в. [Электронный ресурс].
8. М.И.Никитина. Корейская поэзия XVI-XIX вв. в жанре сиджо: (Семантическая структура жанра. Образ. Пространство. Время). – СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1994. 312 с.
9. Никитина М. И. Древняя Корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом // М: Изд-во «Наука» – 1982. – 328с
10. Никитина М. И., Троцевич А. Ф. Корейская литература [до XIII в.] // История всемирной литературы: В 8 томах / АН СССР; Ин-т мировой лит. им. А. М. Горького. — М.: Наука, 1983—1994. — На титл. л. изд.: История всемирной литературы: в 9 т.
11. Peter. H. Lee. A History of Korean Literature // Cambridge: Изд-во Cambridge University Press – 2003 – 580с
12. Троцевич А. Ф. История Корейской традиционной литературы (до XX в.) // СПб: Изд-во С.-Петербург. университета –2004.-323с